ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

# ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ФАЛСАФИЙ САРЧАШМАЛАРИ

ЯНГИ АСР АВЛОДИ
Тошкент
2011

**УДК: 821.512.133**
**ББК: 83.3(5Ўзб) 2**
**С – 60**

**Сирожиддинов Ш.** Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари / Монография. –Т.: «Янги аср авлоди», 2011, 200 б.

ISBN 978-9943-08-776-7

Монография ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқотчилари, шеърият ихлосмандларига мўлжалланган бўлиб, ўзига хос мумтоз адабиётга кириш вазифасини ўтайди. Унда ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини таҳлил этиш, тушуниш, муаллифнинг ғоявий позициясини аниқлашда кўрсаткич вазифасини бажарувчи диний-фалсафий таълимотлар моҳияти ҳақида сўз боради.

**УДК: 821.512.133**
**ББК: 83.3(5Ўзб) 2**

**Тақризчилар:**
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори, профессор

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори

**ISBN 978-9943-08-776-7**

© Шуҳрат Сирожиддинов, «Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари». «Янги аср авлоди», 2011 йил.

# КИРИШ

Мовароуннаҳрнинг жуғрофий жиҳатдан қадимий цивилизациялар чорраҳасида жойлашгани бу ўлкада қадимги Ҳинд, Эрон, Ироқ ва Хитой халқлари фалсафий қарашларининг бир маконда умумийлашуви ва уйғунлашувига яхши замин яратган. Шунинг натижаси бўлса керак, бу ерда ислом кириб келишидан илгари аҳоли ўртасида мистик-илоҳиёт илми сезиларли таъсир кучига эга бўлган. IX асрнинг иккинчи ярми X асрнинг биринчи ярмида Самарқандда яшаб ўтган буюк мутакаллим олим Абу Мансур Мотуридий асарларида монийлар ва зардуштийлар билан олиб борган калом баҳслари шундан дарак беради. Демак, Мовароуннаҳрда ислом ягона ва мутлақ ҳукмрон мафкурага айланган бир даврда ҳам аҳоли ўртасида исломгача бўлган мистик қарашлар кучли бўлган. Шубҳасиз, исломда фалсафа аталмиш фан соҳасининг шаклланишида нафақат юнон файласуфларининг асарлари таъсири бўлганлиги, балки маҳаллий мистик-илоҳиёт ғояларининг муайян ўрни борлиги ҳақида ҳам гапириш мумкин. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини таҳлил қилар эканмиз, бадииятнинг мураккаб қобиқларига ўралган фалсафий ғоялар, борлиқ муаммосининг ўзига хос ечимлари, Олам ва Одам муносабатлари мавзуси ўзбек халқининг тафаккур кўламлари бутун Шарқ фалсафасидан озиқланганини ҳис этамиз.

Ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино ва уларнинг издошлари илмий фаолияти юнон фалсафасини исломлаштириш ва маҳаллий мистик қарашлар билан уйғунлаштиришда ҳал қилувчи бўғин бўлди. Ушбу бўғин вакиллари машшоий (перипатетик) файласуфлар деб

аталди. Ғарбда уларни юнон файласуфларидан ажратиб туриш учун «ал-фалсафа аҳли» деб атадилар. Ислом оламида «ал-фалсафа аҳли» метафизик ҳодисаларни ўрганадиган ягона оқим бўлиб қолмади. Ислом Яқин Шарқ, Хуросон ва Мовароуннаҳрга кириб келгандан сўнг ҳам маҳаллий аҳоли онгида ўз яшовчанлигини сақлаб қолган мистик тафаккур учқунлари IX-X асрларга келиб шиддат билан ривожлана бошлади. Ироқнинг Басра, Шом ўлкасининг Дамашқ ва Ҳалаб, Хуросонда Нишопур ва Балх, Мовароуннаҳрда Термиз ва Самарқанд каби қадимий цивилизация бешикларида мистик таълимот марказлари вужудга келди.

Ироқ ва Шом мистика марказлари тасаввуф марказлари сифатида машҳур бўлдилар. Нишопур ва Балх мактаблари маломатийлик маркази сифатида танилди.

Мовароуннаҳрда мистик қарашлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу ўлкада XIII асргача Ироқ ва Нишопур суфийларининг таъсири сезилмайди. Ҳар ҳолда ҳозирча қўлимизда буни тасдиқлайдиган манбалар йўқ. Балки кейинги тадқиқотлар бу масалага ойдинлик киритар. Бироқ, бу Мовароуннаҳрда мистик мактаблар бўлмаган деган фикрни англатмайди. Термизда яшаб фаолият кўрсатган олим Ҳаким Термизий (820–932) илмий мероси бу даврда Мовароуннаҳрда мистик илмлар тараққиёти равон кечганлигини кўрсатади. Ҳаким Термизий Нишопур маломатийлари асарларида суфий деб эътироф этилмаган.[1] Бунинг сабаби суфийликнинг Ироқ билан боғланганлигидадир. Ҳаким Термизийнинг ислом дини, мистик-илоҳий мазмунга эга 50 дан ортиқ асари фанга маълумдир. Унинг илмий мероси хорижий шарқшунослар, жумладан, Аннимари Шиммель, Антон Ҳей-

---

[1] S. Sviri. «Hakim Tirmidhi and Malamati Movement in Early Sufism». In: Classical Persian Sufism from its Origins to Rumi/Ed.by L. Lewison. London, 1993, p.594.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .......... 3

*I ҚИСМ.* ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ОЗИҚЛАНГАН ҚАДИМИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

ВЕДА АДАБИЁТЛАРИДА ҲАҚИҚАТ МАВЗУСИ .......... 14
УПАНИШАДЛАР .......... 19
ТАВРОТ АДАБИЁТЛАРИДА ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ .......... 30
ХРИСТИАНЛИКДА ИЛОҲИЙ ИШҚ ҒОЯСИ .......... 48

*II ҚИСМ.* ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ИСЛОМИЙ САРЧАШМАЛАРИ

ИСЛОМИЙ ИЛМЛАР .......... 62
ҒОЯЛАР ПЎРТАНАСИ ЁХУД КАЛОМ ИЛМИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ .......... 84
КАЛОМ ВА АЛ-ФАЛСАФА .......... 111
ТАСАВВУФ МАКТАБЛАРИ .......... 139
«ВАҲДАТ УЛ-ВУЖУД» (ЯГОНА БОРЛИҚ) ТАЪЛИМОТИ .......... 158
ШИҲОБИДДИН СУҲРАВАРДИЙ ВА УНИНГ ИШРОҚ ФАЛСАФАСИ .......... 173
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .......... 193

*Адабий-бадиий нашр*

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ФАЛСАФИЙ САРЧАШМАЛАРИ**

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Техник муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ
Зокир ЗАМОНОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 30.09.2011 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 6,25. Шартли босма тобоғи 10,50.
Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Газета қоғоз.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 253
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: AI № 198. 2011 йил 28.08 да берилган
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***
Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.ibook.uz
e-mail: yangiasr@ibook.uz; yangiasravlodi@mail.ru